



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛДИРИЛГАН ИШ БЎЙИЧА  
ПДФ В ҚАРОРИ

2022 йил 18 март

Шовот тумани

4-2202-2201/230-сонли иш

Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Ҳайитбоев  
**Даъвогар** - Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят  
бошқармасининг «XORAZM MEDIATSIYA VA ARBITRAJ MARKAZI»  
масъулияти чекланган жамияти манфатида

**Жавобгар** - [Redacted] фермер хўжалигидан 780.708 сўм  
хакамлик йиғими, 41.200 сўм почта харажати ундириш тўғрисидаги даъво аризаси  
бўйича ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб,  
куйдагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят бошқармаси «XORAZM  
MEDIATSIYA VA ARBITRAJ MARKAZI» масъулияти чекланган жамияти  
манфатида Шовот туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат  
қилиб, жавобгар [Redacted] фермер хўжалигидан 780.708 сўм  
хакамлик йиғими, 41.200 сўм почта харажати ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процесуал кодексининг  
203<sup>4</sup>-моддасига кўра, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш  
тўғрисида суд ажрим чиқаради, ажримда иш соддалаштирилган иш юритиш  
тартибида кўрилишини ҳамда иш кўриб чиқиладиган санани кўрсатади.

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасининг кўчирма  
нусхаси ўзига топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга ўзи  
асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли.  
Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи  
ҳужжат илова қилинади. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг  
вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга  
ишончнома илова қилинади.

Даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор  
қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим  
этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб  
чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Белгиланган муддат ўтганидан кейин судга келиб тушган даъво аризаси  
юзасидан ёзма фикр, далиллар ва бошқа ҳужжатлар, агар уларни белгиланган  
муддатда тақдим этишнинг имкони бўлмаганлиги тараф томонидан  
асослантирилган ва улар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунига  
қадар келиб тушган бўлса, қабул қилинади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш даъво аризасини иш  
юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан



этиборан йигирма кундан ошмаган муддатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни, далилларни ҳамда бошқа хужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин судья томонидан яққа тартибда кўриб чиқилади. Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида куриб чиқиш муддати узайтирилмайди. Суд соддалаштирилган иш тартибида ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Суд тарафлар томонидан этилган хужжатларда баён қилинган тушунтиришларни, эътирозларни (1) ва жавобларни (2) асосларни текширади, далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўриб кечиради ва ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Бироқ, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмайди.

Ушбу ҳолатда суд тақдим этилган хужжатлар ишни мазмунан кўриб чиқиш имкониятини беришини инобатга олиб ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишдаги хужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани тўлиқ каноатлантиришни, ишни кўриш билан давлат божи ва почта харажати жавобгар зиммасига юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги хужжатлардан маълум бўлишича, «XORAZM MEDIATSIYA VA ARBITRAJ MARKAZI» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги ҳакамлик судининг 02.04.2021 йилги 222-сонли иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан даъвогар “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига жавобгар [REDACTED] фермер хўжалигидан 11.745.546 сўм асосий қарз, 245.000 сўм ҳакамлик йиғими, 19.600 сўм почта харажати ҳамда «XORAZM MEDIATSIYA VA ARBITRAJ MARKAZI» масъулияти чекланган жамияти ҳузуридаги ҳакамлик судининг 13.12.2021 йилги 872-сонли иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорига асосан даъвогар “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари корхонаси фойдасига жавобгар [REDACTED] фермер хўжалигидан 26.785.417 сўм асосий қарз, 535.708 сўм ҳакамлик йиғими, 21.600 сўм почта харажати ундириш белгиланган.

Жавобгар [REDACTED] фермер хўжалиги томонидан шу кунгача ҳакамлик қарорлари устидан тегишли тартибда судга шикоят қилинмаган ва ҳакамлик йиғими ва почта харажатлари қоплаб берилмаган.

Натижада мазкур низо келиб чиқиб, даъвогар юқоридаги талаб билан судга муурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикасининг ИПК 228-моддасига кўра, ушбу бобда белгиланган қоидалар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалари иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиладиганда қўлланилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги масала ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2012 йил 15 июндаги 238-сонли “Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан



боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори 5.1-бандида судларга низони ҳакамлик судида ҳал қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳакамлик суди фойдасига ундириш талаби Иқтисодий процессуал кодексининг 29-бобида белгиланган қоидалар асосида кўриб чиқилмаслиги, (Шугабоев, низони ҳакамлик судида ҳал қилишда тарафлар томонидан тўланиши лозим бўлган харажатларни тўлаш ҳакамлик суди томонидан кечиктирилган тақдирда, ҳакамлик суди ташкил этган юридик шахс ҳакамлик муҳокамасининг тегишли тарафларга ушбу харажатларни ундиришни сўраб ваколатли судга умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақлилиги ҳақида тушунтириш берилган).

Жавобгар томонидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларида ундирув белгиланган 780.708 сўм ҳакамлик йиғими, 41.200 сўм почта харажати тўланмаганлиги ишдаги ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланади.

Ушбу ҳолатда даъво асосли бўлиб, у қаноатлантирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Мазкур кодекснинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён этилганларга асосан суд, даъвогарнинг даъвоси аризасини тўлиқ қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ давлат божи ва почта харажатини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 176-179, 203<sup>4</sup>, 228- моддаларини қўллаб, суд

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] фермер хўжалигидан «XORAZM MEDIATSIYA VA ARBITRAJ MARKAZI» масъулияти чекланган жамияти фойдасига 780.708 сўм ҳакамлик йиғими, 41.200 сўм почта харажати ва иқтисодий судга даъво ариза берилганда тўланган 21.600 сўм почта харажати жами 843.508 сўм ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджетига 270.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар ихтиёрий тартибда ижро этилмаган тақдирда даъвогарнинг илтимосномаси билан, суд харажатларини ундириш қисми бўйича эса суднинг ташаббуси билан мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори ўн кун муддат ўтгач қонуний кучга кириши қайд қилинсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибда шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Б.Ҳайитбоев

